

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УСМАНОВ РУСТАМ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА РЕТИНОБЛАСТОМАНИ АЪЗО САҚЛОВЧИ ДАВОЛАШ
ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Усманов Рустам Ходжиакбарович

Болаларда ретинобластомани аъзо сақловчи

даволаш ва эрта таъхислашни оптималлаштириш 3

Усманов Рустам Ходжиакбарович

Оптимизация ранней диагностики и органосохранного

лечения ретинобластомы у детей 23

Usmanov Rustam Khodjiakbarovich

Optimization of early diagnosis and organ-preserving

treatment of retinoblastoma in children 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

УСМАНОВ РУСТАМ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА РЕТИНОБЛАСТОМАНИ АЪЗО САҚЛОВЧИ ДАВОЛАШ
ВА ЭРТА ТАШХИСЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2. PhD/Tib4594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч ҳил тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Билалов Эркин Назимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гафур-Ахунов Мирза-Али Алиярович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бузруков Ботир Тулкунович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси 2025 й. «___» _____ да соат ___ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: www.cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «___» _____ 2025 йилда.
(2025 йил “___” _____ даги _____ -сонли юбориш протоколи реестри).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ретинобластома (РБ) - кўпинча болаларда учрайдиган кўз тўр пардасининг хавфли ўсмасидир. Турли маълумотларга кўра, «.....унинг тарқалиши янги туғилган чақалоқларда 1:15000 дан 1:22000 гачани ташкил қилади ва бу ҳар йили дунё бўйлаб касалликнинг 9000 га яқин янги ҳолатлари аниқланишини англатади. РБ билан ўғил ва қиз болалар тахминан бир хил частотада касалланишади»¹. Ўсма шакллариининг ўзгарувчанлиги, шу жумладан бир ёки иккала кўзнинг шикастланиши, шунингдек, баъзида трилатерал шикастланиш тарзида эпифизнинг зарарланиши, ташхис қўйиш ва даволашда сезиларли қийинчиликларни келтириб чиқаради. РБ нинг бинокуляр шакли 40% ҳолларда учрайди ва ташхис қўйиш вақтидаги ўртача ёш бир ёшни ташкил қилади. Барча бинокуляр мультицентрик шакллар одатда ирсий хусусиятга эга бўлади. РБ билан беморларининг 60% бир томонлама зарарланишга эга бўлади ва бу ҳолатларнинг аксарияти спорадик бўлади. РБ – бу кўз хавфли ўсма касаллиги бўлиб, кўпинча кўрув нервининг инвазиясигача прогрессияланишга олиб келади ва бу бемор учун ёмон прогностни кўрсатади. Беморни дастлабки даволаш пайтида нервга инвазиясини эрта аниқлаш прогност ва даволаш учун муҳимдир. Шу муносабат билан, кичик РБларни эрта аниқлаш самарадорлигини ошириш учун РБда диагностика жараёнини такомиллаштириш ва оптималлаштириш бевосита замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда болаларда РБ нинг турли жиҳатлари бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада. РБ ривожланишининг молекуляр генетик асослари бўйича тадқиқотлар, ушбу касалликнинг ирсий ўтиш хусусиятларини аниқлаш учун цитогенетик таҳлил, беморларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда РБни эрта босқичда визуализациянинг мақбул усуллариини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, визуализация мезонларини белгилаш, нафақат анъанавий кимётерапия режимларини, балки ўсмага таъсир қилувчи жисмоний омиллардан фойдаланган ҳолда маҳаллий даволашнинг махсус усуллариини ҳам ўз ичига олган турли хил даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолаш долзарб муаммо ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, шунингдек турли касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

¹ Ancona-Lezama D., Dalvin L.A., Lucio-Alvarez J.A., Jabbour P., Shields C.L. Ophthalmic vascular events after intra-arterial chemotherapy for retinoblastoma: Real-world comparison between primary and secondary treatments. // Retina. – 2019ю – 39. – P. 2264–2272.

кўтаришда «... аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, болаларда ретинобластомани даволаш-диагностик тактикасини такомиллаштириш, визуализацияни оптималлаштириш ва комплекс даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Генетик касаллик сифатида РБга қизиқиш касалланган беморда хромосома патологиясини аниқлаш натижасида пайдо бўлди. РБда цитогенетик ўзгаришларни аниқлаш частотаси замонавий хромосома таҳлил технологияларининг ривожланиши билан сезиларли даражада ошди ва 6-10% ни ташкил этди (Саакян С.В., Тацков Р.А. 2012). РБ нинг пайдо бўлиши ва ривожланишида РБ-1 генидаги таркибий ва функционал бузилишларнинг аҳамияти аниқланди (Бабенко О.В. 2002, Саакян С.В. 2002; Barbosa R.H., Vargas F.R., Lucena E. 2009). Сўнгги йилларда, кўп муаллифлар ўсманинг кечки шакллари билан тиббиёт муассасаларига мурожаат қилаётган беморлар сонининг ортишини қайд этишмоқда (Саакян С. В., 2008; Ушакова Т.Л., 2011; Arx G.F., Fichter N. 2011; Boubakar T., 2010; Bowman R.J., 2008; Canturk S., 2010; Chantada G.L., 2011; Grabowska A. 2010). Ретинобластома частотасининг ошиши ва икки томонлама (кўпинча ирсий) шаклларнинг кўпайиши билан бирга 10 ёшгача ва ундан катта ёшдаги РБ беморлари сонининг кўпайиши қайд етилмоқда (Бочков Н.П. 2012; Бровкина А.Ф. 2005).

РБ болалардаги бошқа кўз касалликлари остида яшириниши мумкин ва саратон касаллигидан ўз вақтида хабардор бўлмаслик, хатоларга олиб келиши ва самарали даволаниш учун вақтни ўтказиб юбориши мумкин. РБ белгилари

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы».

орасида фақат дастлабки аломатларгина маълум, яъни булар – қорачикнинг “оқиш ялтираши” ва баъзан ғилайлик. Ўз тадқиқотларида кўплаб муаллифлар РБни дастлабки босқичларда аниқлаш учун офталмологлар томонидан болаларни профилактик текширишда скрининг ролини юқори баҳолайдилар (Biswas S., 2010; Kaiser P.K., 2012, Kaliki S., 2011; Kaufman P.L., 2012; Macedo C.R., 2011; Shields C.L., 2010; Sultan L., 2010; Woo K.I., 2010; Yi-Jin Gao, 2011; Zhao J. 2011). Масалан, АҚШда “Well baby screening” ва “The Early Detection and Treatment (EDT)” дастурлари мавжуд бўлиб, унга кўра педиатрлар янги туғилган чақалоқларда ҳаётнинг дастлабки уч ойида кўзларини қорачиғини “оқиш ялтираши”, ғилайлик ва бошқа аномалияларга текширишлари керак, шунингдек, агар оилада ретинобластома билан бола бор бўлса, ҳомиланинг пренатал скринингини ўтказишлари керак бўлади (Abramson D.H., et all 2008; Asencio-Duran M., 2011; Bosscha M.I., 2011; Li J., 2010, Rotschild P., 2011; Serrano C., 2011; Smith M.A., 2010). Ретинобластома билан оғриган беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш ҳам муҳим муаммо ҳисобланади. РБ билан касалланишнинг ортиши аъзо сақловчи даволаш усуллари ишлаб чиқишга туртки берди (Саакян С.В., 2012; Ушакова Т.Л., 2009; Abramson D.H., 2010; Dimaras H., 2011; Dunkel I.J. et all, 2011; Kaliki S., 2011; Shields C.L., Shields J.A., 2010; Von Arx G.F., Fichter N., 2011; Zhao J. 2011). Аъзо сақловчи даволанишни амалга ошириш учун эрта ташхислашни яхшилаш ва кенг қамровли текширув ўтказиш керак. Бу янги туғилган чақалоқларни профилактик кўриқдан ўтказиш ва соғлом насл туғилишини режалаштириш учун зарур бўлган юқори хавф гуруҳлар ва уларнинг оилаларини батафсил текшириш зарурлигини тасдиқлайди. Профилактик текширувлар вақти-вақти билан эмас, балки доимий равишда ўтказилиши керак. Улар педиатрлар ва ҚВП шифокорлари ва УАШлар томонидан ўтказилиши керак. Чунки улар ҳар кунни ўз фаолиятида болаларга дуч келишади.

Бизнинг Республикамизда С.Д. Равшанов 1998 йил ва З.С. Исламовлар ретинобластома бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Уларнинг илмий изланишлари асосан ретинобластоманинг клинко-генетик хусусиятларига бағишланган. Амалга ошириш осон ва қиммат қурилмаларни талаб қилмайдиган скрининг усуллари ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалга ошириш долзарбдир. Инфореацион қидируви кўрсатганидек, ўсма жараёнининг турли босқичларида РБ клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу касалликни ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳалигача ҳал қилинмаган. Даволашнинг комбинацияланган ва мураккаб усуллари олган барча беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш учун реабилитация чораларига муҳтож. Шундай қилиб, дунёда РБ нинг юқори тарқалиши ва беморларни кеч даволаш, шунингдек, янги технологик тадқиқот усуллари пайдо бўлиши РБ билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашнинг янги самарали усуллари топиш муҳимлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг ССВ-Ф-028 рақамли «Бирламчи кўплаб ўсмаларнинг пайдо бўлиш механизмларини ўрганишда молекуляр-генетик ва иммунологик маркерларнинг ўрни» (2017-2020 йй) мавзусидаги Давлат лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: болаларда ретинобластомани эрта ташхислаш ва аъзо сакловчи даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда ретинобластомани эрта ташхислашда кўз тубини кенг майдонли визуализация (RetCam II) усулининг самарадорлигини ўрганиш;

болаларда комбинацияланган даволаш усулидан фойдаланганда самарадорлик ва прогноз кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилувчи ретинобластоманинг ультратовуш параметрларини аниқлаш;

ретинобластомали болаларда ва уларнинг энг яқин қариндошларида хромосома абберациялари даражасини баҳолаш учун цитогенетик таҳлил ўтказиш;

болаларда ретинобластомани транспупилляр термотерапияни ўз ичига олган комбинирланган даволаш усулининг клиник самарадорлигини баҳолаш;

болаларда кичик ретинобластомаларда беморларни олиб бориш учун модификацияланган алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказда бирламчи ретинобластома билан даволанган 126 бемор (164 кўз) олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ретинобластома билан беморларнинг клиник, лаборатор ва инструментал текширув нитажилари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий (визометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, тонометрия) ва маҳсус (ультратовуш текширув, RetCam) офтальмологик усуллар, нур диагностика усуллари (магнит-резонанс томография (МРТ) ва компьютер томография (КТ)), шунингдек цитогенетик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик ўлчамли ретинобластоманинг даволашда RetCam IIни кўз тубини кенг майдонли периферияни кўриш имкон берадиган усулини қўлланилиши исботланган.

ретинобластома аниқланган болаларда касалликни оилавий турини диагностикасида хромосома абберациялари аниқлаш учун цитогенетик текширувларни қўлланилиши асосланган.

кичик ўлчамли ретинобластома транспупилляр термотерапия ва кимётерапияни комбинирлашган даволашда ўсманинг денатурация ва апоптоз ҳисобига самарадорлиги исботланган;

кичик ўлчамли ретинобластомда даводан кейин ультратовуш акустик зичлиги кўрсаткичига кўра кальцинат даражаси ҳисобига қасалликнинг регрессияга учраши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспупилляр термотерапия усулини киритиш билан болаларда ретинобластомани комплекс даволаш схемаси таклиф этилган;

цитогенетик таҳлил беморларнинг энг яқин қариндошларида ретинобластоманинг хавф даражасини уларда хромосома аберациялари мавжудлигига қараб аниқлаш имконини бериши исботланган;

ўсманинг акустик зичлиги динамикасини баҳолаш транспупилляр термотерапия усулини киритиш билан комплекс даволаш пайтида даволаш самарадорлигининг самарали кўрсаткичи эканлиги исботланган;

Болаларда ретинобластомани олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморларнинг етарли сони, тадқиқотда замонавий клиник, офтальмологик, нур, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланиш билан асосланади. РБда кўриш аъзосидаги ўзгаришларни ташхислаш ва даволаш натижаларининг ўзига хос хусусиятлари халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослаш йўли билан аниқланади. Хулоса, шунингдек олинган натижалар тиббий статистиканинг тўғри усуллари билан тасосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улар болаларда ретинобластомада пробандлар ва сибслардаги хромосома аберацияларининг частотаси шаклида касалликнинг мерос олиш асосларини тушунишга катта ҳисса қўшади, болаларда кичик ретинобластомалар диагностикасида RetCam II қурилмаси ёрдамида кўз тубини кенг майдонли текшириш усулининг диагностик самарадорлиги ҳам ўрганилган.

Олинган тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, болаларда кичик ретинобластомаларни комплекс даволашда транспупилляр термотерапиянинг кимётерапия билан биргаликда самарадорлиги исботланган. Болаларда ретинобластомани комбинацияланган даволаш самарадорлигининг ультратовуш мезонлари, шу жумладан транспупилляр термотерапиядан фойдаланганда акустик зичлик индексининг пасайиши ҳам аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 22.10.2024 йилдаги 7-сонли хулосасига асосан:

биринчи илмий янгилик кичик ўлчамли ретинобластоманинг даволашда RetCam IIни кўз тубини кенг майдонли периферияни кўриш имкон берадиган усулини қўлланилиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиалининг 2024 йил 12 июндаги 75-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят филиалининг 2024 йил 1 июндаги 52-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг

2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: RetCam II ёрдамида болаларда ретинобластомани эрта аниқлаш, аъзо сақловчи самарали даволаш имконини беради ва бу кўз олмасининг аъзо сифатида сақланиб қолишини ва беморни сезиларли даражада яхши реабилитация қилинишини таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги*: RetCam II ёрдамида болаларни текшириш ҳар бир бемор учун 1100000 сўмни ташкил қилади ва эрта босқичда даволашда касалликнинг тарқалган босқичларини даволашга сарфланиши мумкин бўлган 15000000-30000000 сўм миқдорида пулни тежаш имконини беради. *Хулоса*: Онкоофтальмология амалиётида биринчи марта ретинобластомада диагностика усуллари кенг қўллаш оқибатида давлат бюджетидан сарф харажатларни 10%га иқтисод қилиш ва шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: ретинобластома аниқланган болаларда касалликни оилавий турини диагностикасида хромосома абберациялари аниқлаш учун генетик текширувларни қўлланилиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиалининг 2024 йил 12 июндаги 75-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят филиалининг 2024 йил 1 июндаги 52-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: цитогенетик таҳлил усули ёрдамида беморларнинг қариндошларида ретинобластома хавфи юқори бўлган ҳолатларни эрта аниқлаш, самарали профилактика чораларини кўриш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: цитогенетик таҳлил нархининг юқорилигига (1600000 сўм) қарамай, касалликнинг олдини олиш ёки эрта даволашдан потенциал иқтисодий фойда сезиларли даражада юқоридир. *Хулоса*: Ушбу генетик текширувни қўллаш оқибатида касалликнинг эрта ташхислаш имкони имконини берган.

Учинчи илмий янгилик: кичик ўлчамли ретинобластома транспупилляр термотерапия ва кимётерапияни комбинирлашган даволашда ўсманинг денатурация ва апоптоз ҳисобига самарадорлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиалининг 2024 йил 12 июндаги 75-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят филиалининг 2024 йил 1 июндаги 52-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: кимётерапия билан биргаликда транспупилляр термотерапия усулидан фойдаланган ҳолда аъзо сақловчи комплекс даволаш бемор учун кучли клиник самара ва келажакда юқори ҳаёт сифатини таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги*: ТТТни болаларни комплекс даволашга киритиш ҳар бир бемор учун 1500000-2300000 сўмни ташкил этади ва эрта босқичда даволашда касалликнинг тарқалган босқичларини даволашга сарфланиши мумкин бўлган 15000000-30000000 сўм миқдорида маблағни тежаш имконини беради. *Хулоса*: Болаларда ретинобластомани эрта аниқлаш оқибатида тезда

даволашга киришилса, нафақат кўз олмасини орган сифатида, балки кўриш ўткирлигини ҳам сақлаб қолишга эришилган.

Тўрттинчи илмий янгилик: кичик ўлчамли ретинобластомда даводан кейин ультратовуш акустик зичлиги кўрсаткичига кўра кальцинат даражаси ҳисобига қасалликнинг регрессияга учраши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиалининг 2024 йил 12 июндаги 75-сонли буйруғи ва Фарғона вилоят филиалининг 2024 йил 1 июндаги 52-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 7-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* болаларда ретинобластомани даволаш самарадорлигини самарали мониторинг қилиш кўз олмасининг аъзо сифатида сақланиб қолишини ва беморни сезиларли даражада самарали реабилитациясини таъминлайди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ультратовуш усули ёрдамида болаларни текшириш ҳар бир бемор учун 70 000 сўмни ташкил қилади ва эрта босқичда даволаниш пайтида эса қасалликнинг тарқалган босқичларини даволашга сарфланиши мумкин бўлган 15000000-30000000 сўм миқдоридан пулни тежаш имконини беради. *Хулоса:* Ретинобластома билан касалланган беморларни ушбу усул билан текширув оқибатида ортиқча қимматбаҳо бўлган текширув усулларидадан воз кечишиш имконини беради.

Р.Х.Усмановнинг «**Болаларда ретинобластомани аъзо сақловчи даволашни эрта ташхислашни оптималлаштириш**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил 19 октябрдаги 02-03/688 – сон хати соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **«Ретинобластомани диагностикаси ва даволашининг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шарҳи)»** мавзусидаги биринчи бобда ретинобластоманинг келиб чиқиши, ретинобластоманинг скрининги ва диагностикаси, шунингдек касалликни даволаш ва даволашнинг асосий муаммолари ҳақидаги ҳозирги тушунчани акс эттиради. Асосан сўнгги 10 йил ичида нашр этилган адабий манбалар таҳлили ўтказилди.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот методикаси»** деб номланувчи иккинчи бобда диссертацияда қўлланилган тадқиқотнинг материал ва усуллари батафсил баён этилган.

Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Онкофталмология бўлимига мурожаат қилган ретинобластома билан 126 бемор (164 кўз) ни текшириш ва даволаш натижаларини ўз ичига олди.


Тадқиқотнинг биринчи босқичида кўз тубини визуализация усуллариининг диагностик самарадорлигини баҳолаш (бевосита офталмоскопия ва кенг майдонли офталмоскопияси (RetCam)), структуравий ва морфометрик эхографик параметрларни баҳолаш ва беморлар (пробандлар) ва уларнинг энг яқин қариндошлари (сибс) ларни цитогенетик таҳлили билан беморларни ҳар томонлама ўрганиш ўтказилди. Ишнинг иккинчи босқичида транспупилляр термотерапия ва анъанавий кимётерапия усулини киритиш билан комплекс усулни даволаш самарадорлигининг қиёсий таҳлили ўтказилди.

Диссертациянинг **«Беморларда ретинобластоманинг клиник-морфометрик кўрсаткичлари»** деб номланган учинчи бобда беморларнинг офталмоскопик, ултратовуш ва цитогенетик тадқиқотлари натижалари келтирилган. Турли хил ўсма жойларида ретинобластома болаларида кенг майдонли RetCam тўр пардал камераси ёрдамида анъанавий офталмоскопик текширув ва тадқиқотлар самарадорлигининг диагностик самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилди. Ретинобластоманинг батафсил ултратовуш тавсифи берилган. Цитогенетик таҳлил ўтказилган.

Бундай ҳолда, биз солитар ва мультифокал шакллар, яъни мос равишда бир ёки бир нечта ўсма ўчоқлари ҳақида гапирамиз. Беморларнинг намунасидаги ушбу шаклларнинг улуши шуни кўрсатадики, мультифокал шакл солитар шаклга қараганда анча кенг тарқалгандир (1-расм). 2-расмда келтирилган маълумотларга кўра, ретинобластома беморларида ўсманинг локализацияси тўр парданинг зарарланган ҳудудига қараб ўзгаради.

Тадқиқотда ўсманинг шакли, юзаси ва ранги каби белгилари ўрганилди. Ушбу жиҳатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва маълум бир беморда ретинобластома ривожланишини батафсил ўрганиш учун фойдали бўлиши мумкин. Ретинобластоманинг ҳар бир морфологик белгиларини

учрашига батафсил тўхталиб ўтамиз (2-расм).




1-расм. РБни клиник шакллари ва локализацияси бўйича тақсимланиши (%).



2-расм. Морфологик белгиларнинг учраши, %.

Қуйида беморларда РБнинг турли шаклларида кўз туби суратининг клиник мисоллари келтирилган.




Мультифокал РБ клиник сурати.




Макуляр ва юкстрапапилляр соҳаларга инвазияли тарқалган РБнинг клиник сурати.




Кўз туни перифериясининг зарарлиниши билан мультифокал РБ.



Кўз туби перифериясида якка РБ.



Мультифокал РБнинг клиник сурати.




Макуляр ва юкстапапилля соҳаларга инвазияли тарқалган РБнинг клиник сурати.

3-Расм. РБнинг турли локализацияларида кўз туби сурати.


Ретинобластомали беморларда кўз тубини текширганда, турли диагностика усуллари ўсманинг локализациясини аниқлашга қандай таъсир қилишини тушуниш керак. Бундай ҳолда, иккита усул таққосланади — RetCam II ва бевосита офталмоскопия ва кўзнинг макуляр, парамакуляр, ўрта периферик, четки периферик, шунингдек, кўзнинг юкста- ва парпапилляр соҳаларида ўсмаларнинг тарқалиши таҳлил қилинади (4-расм).

Тақдим этилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, RetCam II бевосита офталмоскопия билан солиштирганда катта сезгирликка эга, айниқса тўр парданинг ўрта ва четки периферияси каби текшириш қийин бўлган жойларида. Ушбу соҳаларда усуллар орасидаги ретинобластомани аниқлаш частотасидаги фарқ жуда муҳим: ўрта периферияда 34,15% ва 26,83%, четки периферияда 31,10% ва 21,95%. RetCam II нинг бу афзаллиги патологик ўзгаришларни батафсилроқ баҳолаш учун қайта таҳлил қилиш ва катталаштириш мумкин бўлган юқори сифатли рақамли тасвирларни яратиш қобилиятига боғлиқ.



4-расм. Турли локализациядаги РБ ни аниқлашда кўз тубини текшириш усуллари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш.


Ретинобластоманинг морфологик белгилари ушбу касалликни ташхислаш, прогноз қилиш ва даволаш тактикасини танлашда муҳим рол ўйнайди. Ушбу кўрсаткичлардан бири офтальмоскопия пайтида кальцификация ва кўринадиган томирларнинг мавжудлигидир. Бу белгилар ўсманинг проминенцияси (баландлиги) даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, бу унинг агрессивлик даражасини ва кўз тузилмаларига таъсир даражасини акс эттиради. Тақдим этилган тадқиқотда ретинобластомалар проминенция даражасига қараб уч тоифага бўлинади: 1 мм гача, 1,1-2 мм ва 2,1-3 мм (5-расм).



5-расм. РБнинг ўлчамига боғлиқ ҳолда морфологик белгиларининг учраш даражаси, %.


Ўсманинг катталигига қараб, унинг тузилиши гомогендан гетерогенгача ўзгариши мумкин, бу унинг биологик фаоллиги ва тажовузкорлик даражасини кўрсатади. Ретинобластоманинг экзоген тузилиши ва унинг проминенция

даражаси (баладлиги) ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги маълумотлар ўсманинг ривожланиш босқичи ва унинг кўз тўқималарига потенциал таъсири ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради (6-расм).



6-расм. РБнинг ўлчамларига қараб экзоген структураси, %.

Акустик зичлик (АЗ) ўсмани ташкил этувчи тўқималарнинг зичлиги даражасини акс эттиради ва ўсма ҳажмига қараб фарқ қилиши мумкин. 7-расмда ретинобластомаларнинг паст, ўрта ва юқори акустик зичлиги уларнинг проминенция даражасига (баладлигига) қараб тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган.



7-расм. Ўсма ўлчамига қараб АЗ кўрсаткичлари, %.

Беморларнинг беш хил гуруҳлари таҳлил қилинди: ретинобластомали беморлар (пробандлар), уларнинг сибслари (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллари), псевдоретинобластомали беморлар, қайта муружат қилган беморлар ва соғлом кўнгиллилар.

Ретинобластома, псевдоретинобластома билан оғриган беморлар, сибслар ва соғлом одамлардан ўстирилган периферик қон лимфоцитларини цитогенетик таҳлил қилиш.

Текширив гуруҳлари	Текширилган шаҳслар сони	Текширилган метафаз пластинкалар сони	Аберрациялар сони, % (n)
Пробандлар	72	1500	13,6 (204)
Сибслар	78	3900	4,8 (178)
Псевдоретинобластома	15	375	2,7 (10)
Қайта мурожат қилганлар	48	1200	5,0 (60)
Соғлом кўнгиллилар	30	150	1,3 (2)

Пробанд гуруҳига, яъни ретинобластома билан бевосита оғриган беморларга 72 киши киритилган. Цитогенетик таҳлил учун 1500 метафаза пластинкалари текширилди. Натижалар 72 пробанднинг метафаза плиталарида (204 аберация) 13,6% хромосома аберрациялари мавжудлигини кўрсатди. Ушбу маълумотлар ретинобластомали беморларда юқори даражадаги генетик беқарорликни кўрсатади, бу ажабланарли эмас, чунки бу касаллик ҳужайра циклини тартибга солиш ва ўсма ўсишини бостириш учун масъул бўлган RB1 генидаги мутациялар билан боғлиқ. Лимфоцитларда аберрациялар сонининг кўпайиши саратонга ирсий мойилликнинг натижаси бўлиши мумкинлигини исботлайди (1-жадвал).

Диссертациянинг "**Тадқиқот гуруҳларидаги даволаш натижалари**" деб номланган тўртинчи бобда турли хил даволаш усуллари олган беморларнинг икки гуруҳи таҳлил қилинди. Биринчи гуруҳда кимётерапия олган 66 бемор (86 кўз), иккинчи гуруҳда эса комбинацияланган даволанган: кимётерапия ва термотерапия (ТТТ) олган 60 бемор (78 кўз) киритилди. Тадқиқотнинг муҳим жиҳати терапия бошланганда беморларни касаллик босқичлари бўйича тақсимланиши эди.

Тадқиқот гуруҳларида РБни босқичларга тақсимланиши.

Босқич	Таққосланувчи гуруҳ РБ билан 66 бемор (86 кўз) Кимё терапия	Асосий гуруҳ РБ билан 60 бемор (78 кўз) Кимё терапия + ТТТ
А босқич	5	9
В босқич	20	30
С босқич	36	25
Д босқич	25	14

Ҳар бир гуруҳдаги беморлар ўртасида босқичларнинг тақсимланиши ретинобластома ривожланишининг турли босқичларида танланган даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолашга имкон беради (2-жадвал).

Биринчи ТТТ сеансидан сўнг, беморларнинг 61,5% (n=48) да ўсманинг тўлиқ резорбцияси билан тавсифланган тўлиқ самарага эришилди. Бироқ, беморларнинг 38,4% (n=30) да биринчи ТТТ сеанси етарли таъсир кўрсатмади ва бу қўшимча муолажалар ёки динамик кузатувни талаб қилди. Биринчи ТТТ сеанси ўсманинг тўлиқ резорбциясига олиб келмаган беморлар динамик назорат остида бўлишди. Улар орасида 83,3% да (n=25) қолдиқ ўсма аниқланди, яъни ўсма катталашмади, лекин бутунлай йўқолмади ҳам. Шу билан бир вақтда, беморларнинг 16,7%да (n=5) ўсманинг давомли ўсиши кузатилди. Биринчи ТТТ сеанси тўлиқ самарага олиб келмаган беморлар учун қўшимча ТТТ сеанслари (бирдан иккитагача) ўтказилди. Қўшимча сеанслар натижасида 56,7% (n=17) беморларда тўлиқ самарага эришилди ва бу қайта муолажаларнинг самарадорлигини кўрсатади. Бироқ, беморларнинг 43,3% (n=13) да, ҳатто қўшимча сеанслардан кейин ҳам етарли таъсирга эришилмади (3-жадвал).

Умуман олганда, тадқиқот гуруҳида комбинацияланган кимётерапия ва ТТТ даволашнинг клиник самарадорлиги 83,3% ни ташкил этди (n=65). Бу юқори кўрсаткич бўлиб, беморларнинг аксарияти даволанишнинг ижобий натижаларига, шу жумладан ўсманинг тўлиқ резорбциясига ёки унинг ўсишини тўхтатишга муваффақ бўлганлигини кўрсатади. Ушбу самарадорлик даражаси кимётерапия ва термотерапиядан фойдаланган ҳолда ўсмага янада кенгроқ таъсир кўрсатишга имкон берадиган комбинацияланган ёндашувнинг муҳимлигини таъкидлайди. Асосий гуруҳдаги КТ курсларининг ўртача сони ($M \pm m$) $4,5 \pm 1,6$ ни ташкил этди.

3-жадвал

Асосий гуруҳда комбинацияланган даволаш самарадорлигини баҳолаш натижалари, 60 бемор (78 кўз).

ТТТ 1 сеанси		
Тўлиқ самара (резорбция) 61,5% (n = 48)	Самаранинг етарли эмаслиги 38,4% (n = 30)	
Динамик кузатув	Қолдиқ ўсма 83,3% (n = 25)	Давомли ўсиш 16,7% (n = 5)
ТТТ қўшимча сеанслари(1-2)		
	Тўлиқ самара 56,7% (n = 17)	Самаранинг етарли эмаслиги 43,3% (n = 13)
	Динамик кузатув	Энуклеация
Асосий гуруҳда комбинирланган давонинг клиник самарадорлиги 83,3% (n=65)		


Натижалар шуни кўрсатдики, ўсманинг тўлиқ резорбцияси билан тавсифланган тўлиқ самарага беморларнинг 70,9% (n=61) да эришилган. Бироқ, беморларнинг 29,1% (n=25) да даволаш етарли самара кўрсатмади, бу охир-оқибат энуклеация зарурлигига олиб келди. Қиёсий гуруҳда даволашнинг клиник самарадорлиги 70,9% ни ташкил этди (n=61), бу тўлиқ самарага (резорбцияга) эришган беморларнинг фоизига тўғри келади. Асосий гуруҳда биринчи ТТТ сессиясидан кейин беморларнинг 61,5 фоизда тўлиқ самарага эришилди ва клиник самарадорлик 83,3% ни ташкил этди. Даволаш стандарт режимдан иборат бўлган қиёсий гуруҳда даволаш самарадорлигини баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, беморларнинг 70,9% тўлиқ самарага эришган (ўсма резорбцияси), бу ижобий натижа ва ушбу ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Бироқ, беморларнинг 29,1% энуклеацияни талаб қилди, бу баъзи беморларда ўсма янада тажовузкор ёки даволаш қийинроқ бўлиб чиққанлигини кўрсатади.

Қиёсий гуруҳда даволашнинг клиник самарадорлиги ҳам 70,9% ни ташкил этди, бу тўлиқ самарага эришган беморларнинг фоизига тўғри келади. Бу кўпчилик беморлар учун танланган даволаш усулининг муваффақиятини таъкидлайди. Бироқ, асосий гуруҳ билан қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, термотерапия ёрдамида кимётерапия билан биргаликда комбинацияланган даволаш яхши натижалар ва касалликни яхшироқ назорат қилиш имконини беради, бу ўсма агрессив ўсишга мойил бўлган ҳолларда айниқса муҳимдир. Қиёсий гуруҳдаги КТ курсларининг ўртача сони ($M \pm m$) $4,9 \pm 0,6$ ни ташкил этди (8-расм).

4-жадвал


Қиёсий гуруҳдаги 66 беморнинг (86 кўз) даволаш самарадорлигини баҳолаш натижалари.

Тўлиқ самара (резорбция)	70,9% (n = 61)
Самаранинг етарли эмаслиги (Энуклеация)	29,1% (n = 25)
Таққосланувчи гуруҳда давонинг клиник самарадорлиги 70,9% (n=61)	




8-расм. Тадқиқот гуруҳларида кимё терапиянинг хусусиятлари.

9-графикда даволаш пайтида тадқиқот гуруҳларида РБ бўлган беморларда ўртача акустик зичлик динамикаси кўрсатилган.



9-расм. АЗ ўртача кўрсаткичининг динамикаси.

Олинган натижалар асосида болаларда РБни олиб бориш алгоритми ишлаб чиқилди (10-расм).



10-расм. Болаларда РБни олиб бориш алгоритми.

ХУЛОСАЛАР

“Болаларда ретинобластомани аъзо сақловчи даволашни эрта ташхислашни оптималлаштириш” мавзусидаги тиббиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. RetCam II ўзини тўр парданинг периферик соҳаларида ретинобластомани аниқлашда янада сезгир усул сифатида намоён қилиши аниқланди ва бу ушбу соҳаларда ўсмаларга шубҳа қилинган беморларни текширишда ушбу усулнинг афзаллигини кўрсатади. Бемосита офталмоскопия, сезгирлиги бироз пастроқ бўлишига қарамай, айниқса кўзнинг марказий қисмларида ва янада мураккаб диагностика асбобларини топиш имкони бўлмаган шароитларда муҳим диагностика воситаси бўлиб қолмоқда.

2. Ретинобластоманинг эхоген тузилиши асосан унинг катталиги ва проминенция даражасига боғлиқлиги аниқланди. Эрта босқичларида (1 ммгача бўлган проминенция), ўсмаларнинг кўпчилик қисми гомоген тузилишини сақлаб қолади, лекин ўсма ўсган сари, гетерогенлик доминант хусусиятга эга бўлиб боради. Гетероген эхогенлик ўсмадаги некроз, калцификация ва янги томирлар тармоғининг ривожланиши каби мураккаб ички ўзгаришларни акс эттиради ва бу ретинобластоманинг агрессив хатти-ҳаракати ва унинг тез прогрессияланиш қобилиятини кўрсатади. Акустик зичлик кўрсаткичи комбинацияланган даволаш усулидан фойдаланганда самарадорлик ва прогноз кўрсаткичи сифатида ишлатилиши мумкинлиги исботланган, чунки бу параметр нафақат қаттиқ қўшимчалар мавжудлигини, балки унинг агрессив йўналишини белгиловчи ўсманинг тузилишини ҳам баҳолашга имкон беради.

3. Цитогенетик тадқиқотлар натижалари РБ билан оғриган беморларда хромосома абберациясининг юқори даражасини аниқлади (соғлом беморлардаги 1,2% га нисбатан 13,6%). РБ беморларининг сибслари хромосома абберациясининг сезиларли юқори бўлиши аниқланди (4,8%; $p < 0,05$) ва бу саратоннинг бирламчи белгиларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиш имконини беради.

4. Умуман олганда, тадқиқот гуруҳида комбинацияланган кимётерапия ва ТТТ даволашнинг клиник самарадорлиги 83,3% ни ташкил этди ($n=65$). Бу юқори кўрсаткич бўлиб, беморларнинг аксарияти даволанишнинг ижобий натижаларига, шу жумладан ўсманинг тўлиқ резорбциясига ёки унинг ўсишини тўхтатишга муваффақ бўлганлигини кўрсатади. Ушбу самарадорлик даражаси кимётерапия ва термотерапидан фойдаланган ҳолда ўсмага янада кенгроқ таъсир кўрсатишга имкон берадиган комбинацияланган ёндашувнинг муҳимлигини кўрсатади.

5. Болаларда ретинобластомани олиб боришнинг модификацияланган алгоритми ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И
РАДИОЛОГИИ**

УСМАНОВ РУСТАМ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ И
ОРГАНОСОХРАННОГО ЛЕЧЕНИЯ РЕТИНОБЛАСТОМЫ У ДЕТЕЙ**

14.00.14 – Онкология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2024.2.PhD/Tib4594.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.cancercenter.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Билалов Эркин Назимович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гафур-Ахунов Мирза-Али Алиярович доктор медицинских наук, профессор Бузруков Батир Тулкунович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский Государственный медицинский Университет

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии по присуждению ученых степеней (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фароби, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: info@cancercenter.uz, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр онкологии и радиологии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фароби, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2025 года).

М.Н. Тилляшайхов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.А. Адилходжаев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Х. Ходжибеков
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ретинобластома (далее РБ) - это злокачественная опухоль сетчатки глаза, часто встречающаяся у детей. Согласно различным данным, «...её распространённость составляет от 1:15000 до 1:22000 новорождённых, что означает около 9000 новых случаев заболевания ежегодно по всему миру. РБ поражает как мальчиков, так и девочек примерно с одинаковой частотой»¹. Вариативность форм опухоли, включая поражение одного или обоих глаз, а также иногда эпифиза при трилатеральном поражении, создаёт значительные трудности при диагностике и лечении. Согласно литературным данным, бинокулярная форма РБ встречается в 40% случаев, при этом средний возраст на момент установления диагноза составляет один год. Все бинокулярные мультицентричные формы, как правило, имеют наследственную природу. У 60% пациентов РБ наблюдается одностороннее поражение, и большинство из этих случаев имеют спорадический характер. РБ представляет собой злокачественное опухолевое заболевание глаза, часто прогрессирующее до инвазии зрительного нерва, что свидетельствует о плохом прогнозе для пациента. Раннее выявление инвазии нерва при первичном обращении пациента имеет важное значение для прогнозирования и лечения. В этой связи особую актуальность приобретает совершенствование и оптимизация диагностического процесса при РБ с целью повышения эффективности раннего выявления малых РБ.

Во всем мире ведется множество работ, посвященных различным аспектам РБ у детей. Особое значение имеют исследования, посвященные молекулярно-генетическим основам развития РБ, цитогенетическому анализу с целью определения особенностей наследственной передачи данного заболевания, разработке и внедрению оптимальных методов визуализации РБ на ранней стадии с учетом возраста пациентов, установлению визуализационных критериев, а также оценке эффективности различных методов лечения, которые включают не только традиционные схемы химиотерапии, но и специальные методы местного лечения с применением физических факторов воздействия на опухоль.

В нашей стране принимаются обширные и комплексные меры по развитию и повышению качества медицинских услуг, оказываемых населению страны, по проведению целенаправленных научно-обоснованных лечебно-профилактических мероприятий при различных патологических состояниях. В связи с этим, в соответствии с семьей приоритетными направлениями новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, для поднятия медицинского обслуживания населения на новый уровень поставлены задачи «...по повышению качества оказания населению квалифицированных

¹Ancona-Lezama D., Dalvin L.A., Lucio-Alvarez J.A., Jabbour P., Shields C.L. Ophthalmic vascular events after intra-arterial chemotherapy for retinoblastoma: Real-world comparison between primary and secondary treatments. // Retina. – 2019ю – 39. – P. 2264–2272.

медицинских услуг...»². Исходя из этих задач, целесообразно проведение научно-исследовательских работ, направленных на совершенствование лечебно-диагностической тактики при ретинобластоме у детей с разработкой инновационных методов для оптимальной визуализации и комплексного лечения данной патологии.

